“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиал директори

_______________ У.Уктамов

“_____” _______________ 2022 й.

*Тошкент шаҳар Сергели тумани “Тараққиёт” маҳалласи ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш*

# *ТЕХНИК ҲУЖЖАТ*

Тошкент ш. – 2022 йил

| | Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати | Асосий маълумотлар ва талаблар |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| 1. | Савдолар ўтказишга асос | Ўзбекистон Республикаси 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари” тўғрисидаги ЎРҚ-684-сонли Қонуни талаблари асосида ўтказилади. |
| 2. | Буюртмачи | “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар худудий филиали |
| 3. | Ишларни бажариш учун асос | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 702-сонли қарори, Тошкент шаҳар хокимининг 2022 йил 25 февралдаги 175-14-0-Q/22-сонли ва 19 майдаги 518-14-0-Q/22-сонли қарорлари |
| 4. | Молиялаштириш манбаси | Маҳаллий Бюджети |
| 5. | Буюртмачи реквизити | Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси 26-уй, ИНН: 307 930 998; МФО:00014; х/р:2340 2000 3001 0000 1010 МБ ХККМ; л/с 301121860262737063201110006 |
| 6. | Объект номи | “Тошкент шаҳар Сергели тумани “Тараққиёт” маҳалласи ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш” объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, Давлат экспертиза органларида лойиҳа-смета ҳужжатларини ҳимоя қилиш; қурилишнинг бутун даври мобайнида муаллифлик назоратини амалга ошириш. |
| 7. | Буюртмачи чегаравий қиймати | 28 560 000 сўм (ҚҚС билан) |
| 8. | Лойиҳани молиялаштириш тартиби: | Молиялаштириш шартлари: бўнак – 30% ишлар топширилгандан сўнг - 70% миқдорида тўлов. |
| 9. | Ишларни бажариш муддати | 15 кун |
| 10. | Талаб этиладиган ҳужжатлар | Ишларни бажаришга лицензия, гувоҳнома, талабгор тўғрисида умумий маълумот, ўхшаш объектларда бажарилган ишлари тўғрисида маълумот. |
| 11. | Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар | - Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, Низом, Лицензия (Аслига тўғри мухри билан).<br>- Етарли касбий ва техникавий малака, ташкилотнинг таркибий структураси, лойиҳа ташкилотларида ишловчи ходимлар ҳақида ва уларнинг асосий ёки ўриндошлик ишчи ўринлари кўрсатилган ҳолдаги маълумотнома. (Олий маълумотли қурилиш соҳасида 5 йил иш стажига эга раҳбар-1 киши; олий маълумотли профил бўйича 2 кишидан кам бўлмаган инженер-техник ходимларни мавжудлиги; доимий равишда ишловчи 5 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, ягона миллий меҳнат тизими my.mehnat.uz дан юкланган QR-кодли меҳнат дафтарчасидан кўчирмани ҳамда диплом нусхасини тақдим этиши шарт.<br>- Охирги 3 йилда ўхшаш ишларни бажарганлик – буюртмачи билан шартнома нусхаси ва ушбу шартнома бўйича олинган ижобий Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси илова қилиш шарт;<br>- Ташкилотнинг уч йиллик молиявий аҳволи тўғрисида маълумотнома;<br>- Лойиҳалаш ишларига ёрдамчи – пудратчи ташкилотларининг жалб қилиниши тўғрисидаги маълумотнома; |

| | | |
|---|---|---|
| | | - Лойиҳалаш топшириқномаси олингандан сўнг лойиҳа ишларини бажариш жадвали;<br>- Лойиҳаланаётган объектнинг қурилиш жойи билан танишганлиги тўғрисида маълумот;<br>- Солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида QR кодли маълумотноманинг мавжудлиги.<br>- Талабгор ташкилотга хизмат кўрсатувчи банк томонидан картотека К-2 да қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумот<br>- Лойихалаштириш ишлари бажарилиши буйича кафолат хати тақдим этиш. (муддати курсатилган холда)<br>- Офис техникалари ва дастурий таъминоти рўйхати<br>- Ишчи лойиҳа буюртмачига босма шаклда 3 нусхада “ПДФ” ва электрон *“EXCEL”* шаклда тақдим этиш. Муаллифлик назоратини ўрнатилган тартибда амалга ошириш. |
| 12. | Энг яхши таклифларни танлаш | Электрон тарзда ўтказилади. |

**Директор ўринбосари** **З.Хакимов**